30«11»2022 yil. **1310-7-99-TB/2022-son**

# OLDI-SOTDI SHARTNOMASI

**"Ситора Фарм Плюс" МЧЖ**, кейинги ўринларда "Сотувчи" деб юритилади. Ўзининг низоми, асосида иш юритувчи **Шамсикулов Л.А.** номидан, бир томондан ва **Нуробод туман Тиббиёт бирлашмаси**_ кейинги ўринларда "Сотиб олувчи" деб юритилади, Ўзининг низоми, асосида иш юритувчи **А.Абиев** номидан, иккинчи томондан мазкур шартномани қуйидагилар ҳақида туздилар.

## 1.ШАРТНОМАНИНГ ПРЕДМЕТИ

1.1. Сотувчи ўзига тегишли бўлган товар(маҳсулот)ни ушбу спецификацияга асосан Сотиб олувчига мулк қилиб топшириш, Сотиб олувчига ўз вақтида сифатли қилиб етказиб бериш, Сотиб олувчига эса товар(маҳсулот)ни кабул килиш ва ушбу Шартномада белгиланган муддатларда пул утказмаларини бажаришни таьминлайди

| № | Товар (иш, хизмат) номи | Ўл. бир. | Сони | Нархи | ҚҚС | | Суммаси |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | Ставка | Сумма | |
| 1 | Биоимпедансометр | дона | 2 | 2 391 304,35 | 15% | 717 391,30 | 5 500 000,00 |
| 2 | Глюкометр | дона | 10 | 360 000 | 15% | 540 000 | 4 140 000,00 |
| 3 | Пирометр | дона | 2 | 120 000 | 15% | 36 000 | 276 000,00 |
| 4 | Бесконтактный Тонометр Внутриглазного Давления | дона | 4 | 18 000 000 | 15% | 10 800 000 | 82 800 000,00 |
| 5 | Тонометр с фонедоскопом | дона | 176 | 96 000 | 15% | 2 534 400 | 19 430 400 |
| 6 | Коагулометр | дона | 3 | 14 400 000 | 15% | 6 480 000 | 49 680 000,00 |
| 7 | Пульсоксиметр | дона | 100 | 60 000 | 15% | 900 000 | 6 900 000,00 |
| 8 | Электрокардиограф | дона | 15 | 8 347 826,09 | 15% | 18 782 608,70 | 144 000 000,00 |
| 9 | Тест Полоски К Глюкометру | дона | 10 | 215 652,17 | 15% | 323 478,26 | 2 480 000,00 |
| 10 | Динамометр | дона | 2 | 2 400 000 | 15% | 720 000 | 5 520 000,00 |
| 11 | Пикфлоуметр | дона | 2 | 834 782,61 | 15% | 250 434,78 | 1 920 000,00 |
| 12 | Весы Детские | дона | 4 | 420 000 | 15% | 252 000 | 1 932 000,00 |
| 13 | Ростомер Детский | дона | 4 | 551 304,35 | 15% | 330 782,61 | 2 536 000,00 |
| 14 | Ростомер Взрослый | дона | 10 | 455 652,17 | 15% | 683 478,26 | 5 240 000,00 |
| 15 | Скарификатор | дона | 100 000 | 165 | | ККС сиз | 16 500 000,00 |
| **Жами:** | | | | | | 43 350 573,91 | **348854400,00** |

1.2.Шартноманинг умумий суммаси **348 854 400 (Уч юз кирк саккиз миллион саккиз юз эллик турт минг турт юз)** сўмни ташкил қилади.

## 2. ЕТКАЗИБ БЕРИШ ВА ҲИСОБ-КИТОБЛАР ШАРТЛАРИ

2.1"Сотиб олувчи" мазкур шартномани ғазначилик булинмасида рўйхатга олинган кундан бошлаб 25 банк иш куни ичида қонунчиликка мувофиқ, шартнома умумий суммасидан 30%

миқдорида (шартнома суммасидан 30% миқдорида) олдиндан тўлаш мажбуриятини олади, қолган 70% ни товарни олгандан сўнг 25 банк иш куни ичида қабул қилиш-топшириш далолатномаси, ҳисоб-фактура ва в.б. асосида тўлайди.
2.2. “Сотувчи” аванс маблағлари сотувчининг тегишли ҳисобварағига келиб тушган вақтдан бошлаб 3 банк иш куни ичида товарни етказиб бериш мажбуриятини олади.
2.3. “Сотувчи” амалдаги ГОСТ га мувофиқ товарни етказиб бериши шарт.
2.4. “Сотиб олувчи” товарларни қабул қилишда “Сотувчи” иштирокида олинаётган товарларнинг тўлиқлигини ва сифатини шартноманинг 1.1-бандида кўрсатилган товарларга мувофиқлигини текшириши шарт.
2.5. Агар мазкур шартнома билан бошқа ҳоллар кўзда тутилмаган бўлса, товарларни ташиш ва тушириш бўйича барча харажатлар “Сотувчи” хисобидан амалга оширилади.
2.6. Буюртмачининг розилигига кўра товар муддатидан олдин етказиб берилиши мумкин.
2.7. Етказиб берилган товар бевосита Сотиб олувчининг масъул ходимлари томонидан далолатнома бўйича қабул қилинади ва унда етказиб берилган товарларнинг миқдори, унинг сифати кўрсатилади.
2.8. Мазкур шартномада кўзда тутилган товарларни етказиб бериш, мазкур шартномага мувофиқ амалга оширилади.

## 3. ТОМОНЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

3.1. Сотиб олувчининг ҳуқуқлари:

Сотувчидан шартномани бажариш учун зарур бўлган давлат стандартлари ва бошқа меъёрий ҳужжатлар билан таъминлашни талаб қилиш;

Сотиб олувчи ҳисобидан товарлар ташиб келтирилганда, Сотувчидан транспорт харажатларини қоплаб беришни

талаб қилиш, агар мазкур шартноманинг шартлариджа бошқа ҳоллар белгиланмаган бўлса;

Сотувчидан мазкур шартномага мувофиқ, тегишли сифат, ассортимент бўйича товарларни етказиб беришни талаб қилиш;

Сифатсиз товар етказиб берилганда ўз ихтиёрига кўра қуйидагилардан бирини талаб қилиш:

- тегишли сифатдаги шунга ўхшаш товар билан алмаштириб бериш;
- камчиликларни беғараз бартарф этиш;
- Сотувчидан мазкур шартнома шартларини бажармаганлиги ёки тегишли даражада бажармаганлиги натижасида етказилган зарарни қоплаб беришни талаб қилиш.

3.2. Сотувчининг мажбуриятлари:

- мазкур шартномага мувофиқ етказиб берилган товарларни қабул қилиш;
- товарларнинг қийматини мазкур шартномада белгиланган нархда ва муддатда тўлаш.

3.3. Сотувчи қуйидаги хуқуқларга эга:

- “Сотиб олувчидан” олдиндан тўлов ва етказиб берилган товарлар учун якуний ҳисоб-китобларни Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигида кўзда тутилган тартибда ва ҳажмларда амалга оширишни талаб қилиш;
- Сотиб олувчидан шартномага мувофиқ, етказиб берилган товарларни асоссиз равишда қабул қилмаслик натижасида етказилган зарарларни қоплаб беришни талаб қилиш.

3.4. Сотувчининг мажбуриятлари:

- Сотиб олувчига товарларни мазкур шартномага мувофиқ белгиланган муддатда, миқдорда ва сифатда етказиб бериш;
- агар товарларни етказиб бериш жараёнида Сотувчи шартнома шартлари ва меъёрлардан ёки Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигидан четга чиқишга йўл қўйган ҳолларда Сотиб олувчининг талаби бўйича 3 - кун муддат ичида барча аниқланган камчиликларни беғараз бартараф этиш.

3.5. Мазкур шартнома белгиланган тартибда мазкур шартнома шартлари ва талаблари ва Ўзбекистон Республикаси амалдаги қонунчилигига мувофиқ ижро этилиши шарт.
3.6. Томонлар ўз зиммаларига олган барча мажбуриятларнинг ижросини таъминлаган тақдирда шартнома бажарилган ҳисобланади.

## 4. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИКЛАРИ

4.1. Томонлар ушбу шартномани қисман ёки тўлиқ бажармаганликлари учун мулкий жавобгардирлар.
4.2. «Истеъмолчи» маҳсулотнинг тўланмаган қийматини уз вақтида тўламаганлик учун ўтказиб юборилган хар бир кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0.4 фоизи миқдорида, аммо кечиктирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорида пеня тўлайди.
4.3. Сотувчи:

- миқдор, сифат, техник параметрлар, шунингдек таклиф этилаётган товарларни етказиб бериш муддатлари ва жойи бўйича сотувчи шартнома шарт ларининг буюртмачи назарда тутилган шартларга мувофиқлиги; - шартнома шартларининг бошқа бузилишлари;
- тузилган шартнома шартларининг бажарилмаганлиги учун жавоб беради.

4.4. Агар етказиб берилган товарлар сифати, ассортименти ва нави бўйича стандартлар, техник шартлар, намуналарга (эталонларга) қонун ҳужжатларида ёки хўжалик шартномасида белгиланган бошқа мажбурий шартларга мос келмаса, сотиб олувчи товарларни қабул қилиш ҳамда уларнинг ҳақини тўлашни рад этиб, сотувчидан сифати, ассортименти ва нави лозим даражада бўлмаган товарлар қийматининг 20 фоизи миқдорида жарима ундириб олишга, агар товарлар ҳақи тўлаб қўйилган бўлса, тўланган суммани белгиланган тартибда қайтаришни талаб қилишга ҳақлидир. Сифати, ассортименти ва нави лозим даражада бўлмаган товарлар етказиб берганлик учун жарима сотувчидан акцептсиз тартибда ундириб олинади.
4.5. Товарларни етказиб бериш муддатлари кечиктириб юборилган, тўлиқ етказиб берилмаган, товар сотувчи сотиб олувчига (буюртмачига) кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбурият бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси етказиб берилмаган товарлар, бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар баҳосининг 50 фоизидан ошиб кетмаслиги лозим. Пеняни тўлаш шартнома мажбуриятларини бузган тарафни товарларни етказиб бериш муддатларини кечиктириб юбориш, тўлиқ етказиб бермаслик, оқибатида етказилган зарарни қоплашдан озод этмайди.
4.6. Марка белгиси қўйилмаган ёки лозим даражада маркировка қилинмаган товарларни, шунингдек идишсиз ёки ўралмаган товарларни ёхуд тегишли идишга жойланмаган ёки лозим даражада ўралмаган товарларни етказиб берганлик учун сотувчи сотиб олувчига бундай товарлар қийматининг 5 фоизи миқдорида жарима тўлайди. Товарлар қабул қилингандан кейин яна жўнатилиши ёки сақланиши керак бўлган ҳолларда сотиб олувчи жарима ундиришдан ташқари, ўз кучи билан, лекин етказиб берувчи ҳисобидан товарларни ўрашга ва идишларга жойлашга, ёхуд бир шаҳардаги сотувчидан товарларни ўраб бериш ёки идишларга жойлаб беришни талаб қилишга ҳақлидир. «Таъминотчи»нинг ҳисоб-китоб фактурасида маҳсулот солинган қуттилар (тара)ни қайтарилиши қайд этилган бўлса, қутилар 3 кун ичида қайтарилиши керак. Акс холда қутилар қийматидан қуйидагича жарима солинади: 30 кундан кечиктирилса 10%, 40 ва ундан ортиқ кун учун 20%.

## 5. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

5.1.Келишмовчиликлар ва баҳслар келиб чиққан тақдирда, томонлар, қоидага кўра, мустақил равишда уларни судгача ҳал этиш чораларини кўрадилар.
5.2. Тарафлар келишмовчиликлар ва баҳсларни ўзаро ҳал қилишнинг имкони бўлмаганда Ўз.Республикаси Фуқоролик кодекси ва «Хужалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавийхуқуқий базаси тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ бевосита иқтисодий суд тартибида ҳал қилинади.
5.3. Томонлар иқтосидий судига мурожаат қилган тақдирда, суд иши даъвогар жойлашган манзилдаги иқтисодий судида кўриб чиқилади.

## 6. ФОРС-МАЖОР

6.1. Форс-мажор натижасида мажбуриятларни бажарилмаслиги ҳолатлари келиб чиқса ва бу ҳолатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 15 февралдаги 63-сонли "Енгиб бўлмас куч (форс-мажор) ҳолатларининг мавжудлигини тасдиқлаш механизмини киритиш тўғрисида"ги қарорида кўзда

тутилган шартларда томонлар ушбу шартнома бўйича мажбуриятларни қисман ёки тўлиқ бажарилишидан озод этилади.

## 7. БОШҚА ШАРТЛАР

7.1. Ушбу шартномада томонларнинг кўзда тутилмаган ўзаро муносабатлари Ўзбекистон Республикаси қонунлари билан тартибга солинади.

7.2. Ушбу шартноманинг ҳар бир томони ўзига нисбатан қўлланиладиган барча, шу жумладан Ўзбекистон Республикаси амалдаги қонунчилик ва норматив ҳужжатларидаги Коррупцияга қарши тегишли шартлар ва талабларни тушуниши ҳақида бир-бирини ишонтиради ва уларга амал қилишини кафолатлайди.

7.3. Истеъмолчи ушбу шартнома амалда бўлган бутун давр мобайнида у (шунингдек унинг мансабдор шахслари, директори, ходимлари, агентлари ва бошқа вакиллари) Таъминотчи корхонанинг манфаатларида унинг агенти ёки вакили сифатида ҳаракат қилиб, Таъминотчи корхонанинг ҳамда Ўзбекистон Республикаси амалдаги қонунчилик ва норматив ҳужжатларининг Коррупцияга қарши тегишли шартлари ва талабларига қатъий риоя этиш мажбуриятини олади.

## 8.КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ ТАЛАБЛАР

81. Ушбу шартномалар хар бир тарафлари бир-бирига нисбатан амалдаги коррупцияга карши кураш талаблари, шу жумладан, бу билан чекланиб колмасдан, барча амалдаги қонун ва қоидаларга оид шартларни ва талабларни тадбиқ этилишини ифодалайди ва кафолатлайди.

8.2. “Буюртмачи” “Пудратчи”га мазкур шартнома доирасида қўйиладиганларни кафолатлайди ва қуйидаги мажбуриятларни хам ўз зиммасига олади. Шартноманинг амал қилиш муддати давомида у (шунингндек, унинг ходимлари, директорлари, агентлари ва бошқа вакиллари), истеъмолчи манфатлари учун агент ёки вакил сифатида харакат килиб, “Пудратчи”нинг коррупция карши амалдаги талабларига ва Ўзбекистон Республикасининг барча қонун ва қоидаларига қатъий риоя қилади.

## КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ ШАРТЛАРИ:

8.3. Томонлар, уларнинг кафилланган (ўзаро боғланган) шахслари ва ходимлар, ушбу шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажаришларини давомида коррупцияга карши курашиш сохасидаги Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун хужжатлари талабларининг бузилишига олиб келадиган ёки беришни ваъда килиш, таьмагирлик пора олиш бевосита ёки билвосита рози бўлиш хатти-харакатлари харакатсизликлари содир этилмайдилар. -Томонлар, уларнинг кафилланган (ўзаро боғланган) шахслар ва ходимлари бошқа томонларнинг ходимлари ёки ваколатланган вакилларини кандайдур тарзда рағбатлантириш ишдан, шу жумладан пул суммалари, совғалари тақдим этиш, уларнинг манзилига хизматлари беғараз кўрсатиш ёки ваколатланган вакил томонидан уни рағбатлантирувчи томон фойдасиага кандайдир хатти-харакатлари харакатсизликлари бажарилиши таьминлашга қаратилган ишларни бажаришдан воз кечадилар деб маьлум қиладилар.

8.4. Бандидаги талабларни бузиш содир этилганлиги ёки содир этилиши мумкинлиги тўғрисидаги шубхалар юзага келган холда, тегишли томон бу хақида иккинчи томонни хабардор қилиш.

8.5. Коррупция билан курашиш сохасидаги Ўзбекистон Республикаси Қонун хужжатларининг нормалари бузилганлиги фактнинг рад этиб бўлмайдиган далиллари мавжуд бшлган холда эса амалдаги қонун хужжатларида белгиланган тартибда ваколатланган органлари хам хабардор қилиш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

## 9. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ

9.1. Мазкур шартнома туман ғазначилик булинмасида мажбурий рўйхатга олинган кундан бошлаб кучга киради ва **2022 й. “31” декабргача** амал қилади.

9.2. Шартноманинг амал қилиши бир томоннинг ташаббусига кўра ой (бир) давомида бошқа томонга ёзма ариза топширган кундан бошлаб, барча ўзаро ҳисоб-китоблар тугаганлиги муддатидан аввал тўхтатилиши мумкин.

Томонлар ўз зиммаларига олган мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлаган ҳолларда шартнома бажарилган ҳисобланади.

9.3. Шартноманинг амал қилиш муддатини тугаши томонларни жавобгарликдан озод қилмайди.

## 10. ТОМОНЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ ВА БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ

«Ижрочи»

МЧЖ "Ситора Фарм Плюс"
(мол етказиб берувчининг номи)

Манзил: Самарканд ш. А.Кодирий йулак.1 уй 1

Тел./факс 93 680-00-60
х/в 20208000304798537001
Банк номи АТБ «Узпромстройбанк» Сам. .ф-л

МФО 00317 СТИР 301142352
ОКЭД 46460

Раҳбар ________ Шамсикулов Л.А
________________ (Ф.И.Ш)

(имзо)
М.Ў.

«Буюртмачи»

**Нурobод туман Тиббиёт бирлашмаси**
(бюджетдан маблағ олувчининг номи)

Манзил: Нуробод туман Маьшал МФЙ

Тел./факс:
ш/х* **100022860182357072110054002**
бюджетдан маблағ олувчи
СТИР 200777809   ОКЭД

ОКОНХ 91511
Ғазначилик булими номи
Нуробод туман газначилик булими
Ғазна х/в _23402000300100001010
Банкнинг номи Марказий
МФО 00014
ғазначилик бошкармаси СТИРи 201122919

Бош врач ________ ________________
(лавозим) (Ф.И.Ш)

(имзо)
М.Ў.

| | | |
|---|---|---|
| | Hujjat **elektron raqamli imzo** orqali imzolangan.<br>Elektron raqamli imzoning haqiqiyligini tekshirish uchun **QR Code** ni skanerlang. | |
| | Imzolovchi F.I.SH. | ABDULLA ABIYEV YAVKOCHOVICH |
| | Imzolangan sana | 30.11.2022 08:42 |
| | Hujjat kodi | **IG0622064880** |
| | Hulosa kodi | **NN5546561676** |

**YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO‘G‘RISIDA HUQUQIY XULOSA**

NN5546561676

1. Loyihaning turi : Shartnoma

2.Loyihaning nomi:“Sitora Farm Plyus” MChJ bilan tuman tibbiyot birlashmasi o’rtasidagi 348 854 400 (Uch yuz qirq sakkiz million sakkiz yuz ellik to’rt ming to’rt yuz) so‘mlik dori-darmon vositalarini yetkazib berish to‘g‘risida.

3. Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma’lumot: NUROBOD TUMAN TIBBIYOT BIRLASHMASI tomonidan 28.11.2022 yilda kiritilgan.

Loyiha O‘zbekiston Respublikasining 1998 yil 29 avgustdagi “Xo‘jalik yurituvchi sub’ektlar faoliyatining shartnomaviy-huquqiy bazasi to‘g‘risida”gi qonuni hamda Fuqarolik kodeksi talablariga muvofiq ishlab chiqilgan va uni qabul qilish maqsadga muvofiq.

**Nurobod tuman yuridik markazi bosh yuristkonsulti:**

**R.T.XONNAZOV**

29.11.2022